

ПАХТАНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИБ, КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 227 (3709). | Жума, 17 ноябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Суратда: Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозида кўсак чувиш пайти. А. Абляев фотоси.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ МУСОБАҚА РОЛИВИ

Область партия комитети, област ижроия комитети ва касабасоюзлари област Совети Тошкент шаҳри ва област саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари томонидан Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш аяқларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, област ижроия комитети ва касабасоюзлари област Советининг кўмаги билан Чирчиқ шаҳри ва алоқа ташкилотлари коллективлари томонидан Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш аяқларини кўриб чиқдилар.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ОК ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 НОЯБРГАЧА БУЛГАН

МАЪЛУМОТ
(Планга кўсбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			Бир кунда	мавсум бошидан бери
ОҚҚУРҒОН	0,17	119,77	0,16	136,05
БҲҒА	0,28	18,75	0,14	142,35
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,35	115,50	0,16	133,95
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,50	115,16	0,18	146,85
ЯНГИЎЛ	0,27	114,37	—	122,48
ОРҶОНИЙДЗЕ	0,58	108,40	0,82	100,09
БЕКОВД	0,36	102,11	0,07	106,66
ОБЛАСТЬ БҲҒИЧА	0,29	114,81	0,12	131,22

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ ТАНТАНАСИ

Совет ҳокимияти миллий адолат ва ақлини тугатишни, ҳалқларнинг чинакам ҳамдўстлигини яратилиш мақсад қилиб қўйди. Бундан роса ярим аср муқаддам, 1917 йил 16 ноябрда «Правда» газетасида эълон қилинган «Россия ҳалқлари ҳуқуқлари декларацияси» мана шу буюқ вазифани амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Лениннинг ер тўғрисидаги ва суҳб тўғрисидаги биринчи декретлари билан бирга бу декларация янги, социалистик дунё қуриш принциплари билан боғлиқ берган асосий ҳужжатларнинг бири бўлди. Тарихий «Меҳнаткаш ҳалқ ҳуқуқлари декларацияси»да бўлган каби бу ҳужжатда ҳам, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «Россиядаги барча миллат меҳнаткаш синфларининг ҳақиқатан эркин ва ихтиёр, бинобариан эса, янниса эҳтимол мустақам иттифоқига тузишга интилади».

Ҳалқларнинг тенглиги ва суверенлиги, уларга то ақраблик кетишга қадар эркин равишда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини бериш, барча ва ҳар қандай миллий имтиёзлар ва

чеклашларни бекор қилиш, майда миллатларнинг эркин ривожланиши — декларацияда эълон қилинган ва Совет ҳокимиятининг сиёсатида асос қилиб олинган мана шу негизларда мамлакатимиз ҳалқларининг дўстлиги вужудга келди ва ўсиб-зоғатланди. Бу дўстлик муштарак манфаатлар ва ягона мақсадлар билан жипслашган ҳалқларнинг ихтиёрли бirlashmasидир — Совет Социалистик Республикаси Иттифоқида ўз ифодасини топди. Бу дўстлик ҳамма синклардан ўли, меҳнатда мустақамлашди. Улуғ Ватан уруши алаҳқанда пўтладек тобланди.

Миллатлар ичидagi синфлар антагонизмин йўқотилиши билан бирга шу миллатлар ўртасидаги дўшманилик муносабатлари ҳам йўқолиб, деф миллий коммунизм асосчилари чиқарган ҳулосани Совет Иттифоқининг таърифи билан равишда исботлади. Социализм галаба қилиши натижасида социал ва миллий антагонизмлар совет жамиятининг ҳаётдан абадий йўқолди, миллатлар ва элатларнинг тенглиги, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари, абадий ва мустақам қарор топди. КПСС Марказий

Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Октябрь 50 йиллигига бағишланган тантанали кўшма мажлисида иттифоқдosh республикалар вакиллари сўзлаган нутқлар, барча республикалардаги юбилей тантаналари совет жамияти таркибидagi миллатларнинг гуллаб-яшнаганини, шу миллатларнинг ҳар қайсиси сердаман, тўлақонли, эркин ва бахтли турмуш кечираётганини яна бир марта яққол кўрсатди.

Ҳалқлар дўстлиги ривожланишининг қўдратли харақатларини кўриш, социал тартибнинг тезлаштирувчи куч бўлиб қолган. Совет ҳалқлари бир-бирларига актив ёрдамлашув ва биргаликда кўч-жайрат сарфлаб, ҳўжалик ва маданиятнинг эпсасига юксалтиришмоқдалар. Иттифоқдosh республикаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштириш билан уларнинг сиёсий тенглигини таъин ҳам яхшироқ мустақамламоқ учун кейинги йилларда янниса кўп иш қилинди. Бунинг беш йиллик дастлабки натижасини яқинлари, бу йилги йил ой пайини ҳамма республикалар охириб бажарганлиги оқиёбдги кўрсатиб турибди.

Миллатларини бир-бирига янада мустақам асослар вужудга келтирилди. КПСС XXIII съездининг қарорларининг бажарилиш, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш учун кураш СССР ҳалқларини таъин ҳам мустақамламоқ қилиб бirlashтирди. Уларнинг иқтисодий алоқаларини ва ўзаро ёрдамлашувини кенгайтириш ва мустақамлаш, улардан ҳар бирининг коммунистик қурилиш муштарак ишига меҳнат билан қўшнатиш ҳиссасини қўйиштириш борасида беш йиллик янги натижаслар очиб берди.

СССР ҳалқлари Коммунистик партия таъарифида ахир бўлиб йиллашганликлари билан кўч-жайратлар, СССР ҳалқлари Коммунистик партияни интернационал социалистик қардошлиқнинг магзини ва жонин деб билимоқдалар. Улуғ Ленин васиятларига амад қилаётган партияимиз ҳалқлар дўстлигини муқаддас билиб асрамоқда ва бутун қоралар билан мустақамламоқда. Коммунистик қурилиш давомида пайдо бўлаётган миллий ўзаро муносабатларнинг ҳамма масала-

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун беш йиллик планни мўддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олган Хоразм области қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларининг ташаббуси маъқулланди.

Област ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, касабасоюз ва комсомол органларига хоразмликларнинг социалистик мажбуриятларини барча колхозларда, совхозларда, бўлимларда, фермаларда ва бошқа барча қишлоқ ҳўжалик корхоналарида кенг муҳоама қилишни ташкил

этиш ҳамда шу асосда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг барча звеноларида ишлаб чиқариш планларини мўддатидан илгари бажариш учун, В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кўтиб олиш учун мусобақани кенг қиштириш ташкили.

Газеталарнинг, радиоларнинг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбўт, Радиошўтириш ва телевидение давлат комитетларига В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси қандай давом этаётганлигини ёритиб бориш ташкил этилди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МЎДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ВА В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КЎННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КЎТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ЎЗ ЗИММАЛАРИГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанимиз қардош халқларининг ягона ондасида ўзлари эришган муваффақиятлардан ҳаққоний равишда фахрланган ҳолда тарихий сана — Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб нишонладилар. Юксак юбилей мажбуриятлари халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида шараф билан бажарилиди.

Республика қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари пахта, пилла, қоракўл тери, жун, туҳум, дон, шу жумладан шол, лўб экинлари, сабзавот-полиз экинлари ҳосили, мева ва узум тайёрлаш планларини муваффақият билан бажариш учун янада кўпроқ қатъият билан кураш олиб берамиз.

Биз қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари янада юксалтириш учун ҳали кўпгина резервларимиз борлигини тўла ҳис этиамиз ва шу туфайли ўз имкониятларимизни чамалаб кўриб, зиммамизга қўйидаги мажбуриятларни оламиз.

Етиштириладиган пахтанин миқдорини 1970 йилга бориб беш йиллик планда белгиланган 321 миң тонна ўрнига 370 миң тоннага етказамиз ва беш йиллик мобайнида пландан ташқари камида 245 миң тонна пахта берамиз. 1968 йили 355 миң тонна пахта етиштирамиз. Беш йиллик мобайнида бир центнер пахта етиштиришга қилинадиган меҳнат сарфини 4,5 центнер-кўти миқдорига, унинг таънахсини эса 10 процент камайтираамиз.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларига биноан беш йилларнинг мелiorатив ҳолатини бундан кейин ҳам қатъият билан яхшилаб берамиз, барча сўғориладиган майдонларни капитал планировка қилиб берамиз ва янги ерларни ўзлаштираверамиз. Беш йиллик мобайнида 30 миң гектар ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаемиз, 10 миң гектар янги ва партов ерларни ўзлаштирамиз ва 25 миң гектар сўғориладиган ерларни капитал планировка қиламиз.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, алмаш-лаб экинчи жорий етиштириш аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб, тўғри алмашлаб экинчи ҳўжалик ўзлаштирган ҳолда 1970 йилга бориб беш йиллик мобайнида 17 миң гектарга, ҳар гектар ердан олиннадиган беда пичани ҳосилини пландаги 73 центнер ўрнига 80 центнерга, янги беда уруғи етиштирилиши эса 1300 центнерга етказамиз.

Област шўликорлари 1970 йили 26 миң тонна шўли етиштирадиган, бунинг 10 миң тоннаси А.Т. Хоразмий номида совхозда етиштирилади.

Аҳолининг сабзавот-полиз экинлари маҳсулотига бўлган талабини тўла қондириш мақсадига биз 1968 йилдаги камида 50 миң тонна ана шу экинлар маҳсулотини етиштиришни, 1969 йилда эса беш йиллик планда белгиланган даражадан ўзиб кетишни мўлақалламоқдамиз. Мева ва узум етиштириш бўйича беш йиллик план топшириқларини мўддатидан илгари бажарамиз.

Област пиллачилари пилла етиштириш соҳасида беш йиллик даражасидан ҳозиринг ўзидаёқ ўзиб кетдилар ва беш йил мобайнида пландан ташқари камида 3000 центнер пилла берадилар.

Област колхоз ва совхозлари озуқа базасини мустақамлаш ва яхшироқлаштириш ҳамда чорва молларини бир йойга марказлаштириш асосида чорвачилигини янада юксалтиришга эътибор бермоқдалар. Наслчилик станциялари ишини яхшилаш ва насли моллар келтириш ҳисобига колхозларнинг фермалариди насли ва насли яхшилланган қорамоллар сонини 1970 йилга бориб 100 процентга етказамиз. Янги ички-уч йил ичда барча районларда чорва молларини ўстирадиган, яйловда боқадиган ва бурдоқи қиладиган колхозларро базалар вужудга келтирамиз. Давлатга топширинадиган молларнинг семизлик даражасини оширамиз ва 1970 йилнинг охирига бориб ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 1967 йилда амалда эришилган 246 килограмм ўрнига 260-270 килограммга етказамиз.

Областда паррандачиликни ривожлантириш юзасидан чоралар қўрамиз. Ўрганич паррандачилик фабрикаси қурилиши тезлаштирамиз ва унинг биринчи набагини 1969 йилда қўлаланишга топширамиз. Бундан ташқари, колхозлар аҳолисини паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадига ҳар бир колхозда паррандачилик фермаси ташкил этиамиз. Биз қоракўлчилик фермаларининг ишини

яна яхшилашни, наслчилик ишининг даражасини ва қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишни, яйловлардан раціоналроқ фойдаланишни мўлақалламоқдамиз.

Белгиланган таърирлар 1969 йилдаёқ колхоз ва совхозларда қорамоллар сонини план бўйича беш йилликнинг охирига мўлақалланган 78,4 миң бош ўрнига 95,2 миң бошга, қўй ва эчкиларнинг сонини 176,4 миң бош ўрнига 183,7 миң бошга ва паррандаларнинг сонини 31,6 миң бош ўрнига 70 миң бошга етказиш, шунингдек беш йиллик мобайнида етиштириладиган сутнинг миқдорини 73 процент, қоракўл терининг миқдорини 20 процент, жуннинг миқдорини 24 процент, туҳумнинг миқдорини 11 процент қўйиштириш имконини беради. Биз беш йилликнинг охирига мўлақалланган даражадан қоракўл тери етиштириш бўйича 1969 йилда, жун етиштириш бўйича эса 1968 йилдаёқ ўзиб кетамиз.

Маҳсулотнинг таънахсини арзонлаштиришга эришамиз: шўлининг таънахсини 10 процент, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларининг таънахсини 15 процент, пилланин таънахсини 6 процент, қўшт ва сутнинг таънахсини 15 процент камайтирамиз ва колхоз ҳамда совхозларда барча тармоқларнинг рентабелли юртилишини таъминлаймиз.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтириш юзасидан йойида қўрсатилган марраларга эришиш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулотнинг таънахсини камайтириш учун биз деҳқончилик ва чорвачиликка комплекс механизацияни янада кўпроқ қатъият ҳамда куч ва ғайрат билан қўлиб етиамиз. 1970 йилга бориб кент қаторлаб қичит экинладиган майдонини 30 миң гектарга, пахта ҳосилини йилги-териб олишни механизациялаш даражасини 80 процентга етказамиз. Барча майдонларга шўлини механизлар билан экитамиз, 80 процент майдондаги шўли ҳосилини эса механизлар билан ўриб-ячиб оламиз.

Чорвачилик фермаларида қўй меҳнат талаб қиладиган қўйларни механизациялаш даражасини оширамиз, шу жумладан беш йиллик мобайнида 30 та қорамолчилик фермасини комплекс механизациялаштирамиз. 1970 йилга бориб ишлаб чиқариш эътиборини учун истеъмол қилинадиган электр энергиясини миқдорини 1966 йилдаги 7 миллион киловатт-соат ўрнига 45 миллион киловатт-соатга етказамиз.

Машина-трактор паркидан фойдаланишни ва уни техника билан ускуналаштириш аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб, беш йиллик мобайнида ҳар бир ҳўжаликда техника хизмати қўрсатилган станционар пунктни ускуналаймиз, камида 30 та янги тилдаги нефть базиси қўрамиз, тракторлар нефть маҳсулотларини усти ёпиқ жойда механизациялашган тарзда қўйишни жорий этиамиз. Областдаги колхозларнинг камида ярми партиямега асосида «Узельсхотехника» кучи ва маблағлари ҳисобидан комплекс техника хизмати қўрсатилишини таъминлаймиз.

Шу беш йилликда «Узельсхотехника»нинг ремонт қорхоналари ва савдо базаларини реконструкция қилишни тўғайлаймиз. Ана шу қорхоналарнинг ҳаммасида қишлоқ ҳўжалик техникасини индустриал методлар билан ремонт қилишни ўзлаштирамиз, ремонтнинг сифатини яна яхшилаемиз, ремонт ишларининг таънахсини 10 процент ва муомала харажатларини 8 процент камайтирамиз.

Биз ўз зиммамизга юқоридаги юксак мажбуриятларни олар эканисин республикадаги барча колхозчиликнинг, совхозларнинг ишчиларини, мустахсисларини, барча қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларини беш йиллик план топшириқларини мўддатидан илгари бажариш учун, Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг юз йиллигини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чакирамиз.

МУРҶААТ ОБЛАСТ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБЎЛ ҚИЛИНГАН.

миллий ғазилатини ҳурматлаш, дўстлик ва қардошлик ҳислари ягона ва шу билан бирга кўп миллатли социалистик жамиятнинг оғил меҳнатчиларига ҳос ҳислатлардир. Партия ташкилотлари совет қишлоқларига ҳос бўлган мана шу юксак маънавий хислатларни қўрмай-тоғмай ривожлантира беришлари зарур. Оммави социалистик интернационализм руҳида ҳамда СССР ҳалқларининг энг яхши, прогрессив миллий традицияларини ҳурматлаш руҳида, қардош социалистик мамлакатларнинг ҳалқлари билан дўстлик руҳида тарбиялаш идеологиясининг энг ҳўқим вазифаларидан биридир.

СССРда миллий масала ҳал қилинганлиги жаҳондаги ҳамма ҳалқлар учун алҳомбахш намунадир. Улар Советлар мамлакатининг ярим асрлик таърифи билан кўриб, фақат социализмгина миллатлар ва элатларга чинакам тенглик, эркинлик ва қардошлик келтиришга қаноат ҳосил қилдилар. Шунинг учун ҳам биз, Ватанимиз интернационализм идеяларининг, Лениннинг миллий сиёсат таънахсининг жонли ифодаси бўлиб қолганлиги билан фахрланишга ҳақлиқам.

(«ПРАВДА»нинг 16 ноябрдаги беш мақоласи).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ XI ЧАҚИРИҚ IV СЕССИЯСИ

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ

Хар йили шу кун бизда кенг нишонланади. Халқаро студентлар кунини жаҳон ёшларининг катта байрамидир.

Жаҳон студентлар ҳаракатининг уюштиришда халқаро студентлар союзининг роли катта. Бу союз ташкил топишнинг ўз тарихи бор. Дунёдаги баъзи мамлакатларда студентлар ҳаракати бундан илгари ҳам ташкил этилган эди. Аммо, унинг жаҳон студентлар ҳаракатининг ягона ташкилоти сифатида шаклланишига 26 йил бўлди.

Халқаро студентлар ташкилоти

ни тузишга иккинчи жаҳон уруши арафасида киришилган эди. Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Фашизмга қарши курашда студентларнинг иштироки катта бўлди. Бунда, айниқса халқаро студентлар ҳамкорлиги катта куч бўлиб майдонга чиқди.

Нижоят 1941 йилнинг 17 нояб-рида студент-ёшлар Лондон шаҳри-га тўпланишди ва бу кунни халқ-ро студентлар кунини деб эълон қилдилар.

Халқаро студентлар ташкилоти йиллар ўтиши билан мустахкамла-

на борди. 1946 йилда Прагада студентларнинг биринчи Жаҳон конгресси чакрилди. Ана шу конгрессда халқаро студентлар союзи тузилди.

Союз студентлар манфаатларини ҳимоя қилувчи оғури халқаро ташкилот бўлиб қолди. Союз атро-фида уюшган студент-ёшлар тинч-ликни ҳимоя қилиш йўлида кўп та-дбирларни амалга оширдилар. Со-юз студентларнинг Ўзбекистон вата-парварлари билан ҳамкорлигини уюштиришда ташаббускор бўлди.

Жаҳон ёшлари ва студентлари-

нинг фестивалларини ўтказишда ҳам халқаро студентлар союзининг роли каттадир.

Ҳозир республикамиз олий ўқув юртиларида таълим олаётган сту-дентлар орасида чет эллардан кел-ган йилгит-қизлар ҳам кўп. Респу-бликамиз институтларида Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг ёшлари ҳам ўқимокдалар. Ўзини томида-ги Тошкент давлат университети, Низомий номидаги Тошкент дав-лат педагогика институтини ва бош-қа олий ўқув юртиларида чет эллик студентлар учун алоҳида груп-пар ташкил этилган.

Бугун жаҳон студентлари қато-ри республикамиз студентлари ҳам ўз байрамларини кенг нишонлайда-лар.



Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшитти-ришлар программаси, 18.00 — Телеингиллар, 18.15 — Чол ва турна (болалар учун мультфильм), 18.25 — Реклама ва эълонлар, 18.35 — Катта Академик театрида премьераси, 19.15 — Халқ контроли-амалда, 19.45 — Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.50 — Ер ва эл, 20.50 — Тинчлик кўшиги ер узра янғир («Эштин» студияси), 21.40 — Киноянгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.30 — Ўқув эшит-тиришлари программаси. Финна-дан машғулот (мактаб ўқувчилари учун), 18.00 — Инглиз тилидан ик-кинчи машғулот, 18.35 — Чизма геометрия, Техниклик (студентлар учун).

19.45 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Олмаота кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — Суз-понароқияларга.

Рус тилида: 19.50 — Ўшми 17 да (телефильм), 20.20 — Цирк томо-шалари, 21.50—Эдита Пьеха куй-лайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/Х да Трү-бадур.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРА-МА ТЕАТРИДА — 17/Х да Аянон-ларини, 18/Х да Мудхич айнама.

МУХИМ НОМЛИ ТЕАТРИДА — 17/Х да Мон қизлар, 18/Х да Гул снх.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Бором юраклар» ёшлар коллени-тининг гастроллари. Аяқлар аттракционини. Ўргатуви — Влади-мир Тин. Вилетлар сотилмоқда.

КИНО

Яшил арава — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кун-дуз ва кечкурун).

Махшум қиялганлар уюсида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НА-ВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

Журналист (1 ва 2-серия, кун-дуз соат 11.40 минутал), Матонат-ли ишчилар (кундуз 5 да) — НА-ВОИЙ НОМЛИ.

Замонамиз ҳақрамини — «ЧАР-КА» (кундуз ва кечкурун).

Арена (кег форматини) — САЊАТ САРОНИ (кундуз ва кеч-курун).

Улар биринчилардан эдилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрта-лаб соат 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19 ноябрда

7—10 снф мактаб ўқувчилари учун музикали лекторий абаменети бўйича

Биринчи концерт-лекция

ОЛТИН САҲИФАЛАР

Улуғ Октябрьнинг 30 йиллиги-га бағишланган концерт

Лейтор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос Тавур Нума-давлат филармониясининг хор капелласи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абду-нахвор Султонов, Давлат муно-фоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Фулом Абду-раҳмонов, бадий суз устаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мухсин Ҳамидов ва бошқалар қатнашди.

Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади.

Абаменетлардан ташқари билетлар концерт зали насаси-да кундуз соат 2 дан, райои насасларида кундуз 12 дан со-тилади.

ПОЯФЗАЛЧИЛАР САЊАТ САРОИДА

20, 21, 22 ва 23 ноябрларда

Вошқирдистон АССР да хизмат кўрсатган артистка

Фарида Кудашева

Вошқирдистон АССР халқ артисти

Бахти Гасири

РСФСРда хизмат кўрсатган артист ва Вошқирдистон халқ артисти

Меомхамид Идрисов

артистка

ГОЛСАМ ХАБИБУЛИНА

ва бошқалар икросида

КОНЦЕРТ

Кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Тошкент областида

Ўзбекистон санъати декадаси

САЊАТКОРЛАР—ПАХТАКОРЛАР МЕҲМОНИ

Областимиз шаҳарларида да-вом этаётган Ўзбекистон адаби-ёти ва санъати декадаси ннхоси-га етиб қолди.

Ўрта Чиряқ районидаги Свердлов номли колхоз клубида мингта яқин томошабин тўпла-ди. Концертин Свердлов номли халқ филармонияси хор капел-ласи Набижон Ҳасановнинг «Муборакбод» ашуласи билан бошлаб берди. Хорам ашула ва рақс ансамбли солисти Ша-риф Султонов ва Раъно Жума-ниёзованинг қўшиқлари, Ража-

боннинг рақслари томошаби-лар томонидан олқишланди.

Олимахон Ҳайитова «Мубо-рак», «Онам дерман», «Отам», «Ғарибнингман» ашулаларини ннро этди.

Хорам ашула ва рақс ан-самбли ҳамда Свердлов номли халқ филармонияси хор капел-ласи санъаткорлари мана бир ҳафтадирки областимиз шаҳар-ларини кезиб юришибди. Тош-кентлик санъаткорлар ўз са-фарларини бугун Олмалиқда якунлайдилар.

Б. СОДИҚОВ.



ТОШКЕНТ областида Ўзбекистон санъати декадаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Сурат: «Баҳор» рақс ансамбли Оққўрғонда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЕРДАМИДА

КОЛОМБО. Коломбода Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти-нинг совет эксперти П. Г. Фе-алковскийга Цейлондаги энг катта Махавели Ганга дарёси-нинг сув ресурсларидан фойда-ланиш лойиҳасини муваффақ-иятди ишлаб чиқаришга учун медал таъинланди. Бу медал тўпироқни муҳофаз қилиш Цей-лон жамаиати томонидан ҳар йили энергетика ва қишлоқ ҳў-жаллиги соҳасидаги энг машҳур ишларга берилади.

Жамият президенти Селвин Самаранна мукофотини топиш-ра туриб айтидики, совет инже-нери ишлаб чиққан лойиҳанинг амалга оширилиши 420 минг гектардан кўпроқ ерни сугориш ва 500 минг киловатт қувватли гидроэлектростанция қуриш им-конини беради.

(ТАСС).

Дунё хабарлари

Нигерияда ахвол

ЛАГОС. Нигерия федерал қўшинлари Биафра қўзғолончи-лари билан бўлган шиддатли жанглардан кейин Нигерия — Камерун чегарасида жойлашган Икан аҳоли йшайидан қўштин-ини ишғол қилдилар. Федерал қўшинлар харбий қўмондонининг вақили ана шу ҳақда ха-бар берди. Федерал қўшинлар ҳозир Биафранинг Камерун бил-ан чегарасидаги катта терри-ториясини контроль қилиб ту-рибдилар.

(ТАСС).

АМЕРИКА АВИАЦИЯСИНИНГ ВЬЕТНАМДАГИ ТАЛАФОТИ

ХАНОИ. 13 ноябрда Америк-ка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территорияси-га қилган ҳужуми вақтида Американинг яна бир самолёти уриб туширилди.

Жами Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида американинг 2530 само-лётни уриб туширилди.

(ТАСС).

КОММУНИСТЛАР ТОБОРА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

РИМ. Коммунистик партия мамлакатининг бир қанча райо-ларида коммуналар муниципал советлариға ўтказилган сайлов-ларда ва Форли вилояти совети-га ўтказилган сайловда катта муваффақиятга эришдилар. Форли вилоят советиға ўтказил-ган сайловларнинг эълон қи-лидиган якунлари шу нарсадан далолат берадики, Италия Ком-мунистик партияси бу ерда ўт-

ган йилги сайловлардагиға қа-раганда даярли 3 мишга кўп овоз олди. Фраттаминорда (Неаполь яқинида) Италия Коммунистик партиясининг ва-киллари ўтган йили сайловлар-га қараганда 15 процент кўп, Трофареллода эса, (Турин яқи-нида) 11.5 процент кўп овоз тўлладилар.

(ТАСС).

СОФИЯ. Шаҳарнинг жанубий қисмидаги янги «Борово» турар-жой комплекси. Болгария Халқ Республикаси пойтахтида ҳозир катта турар-жой қуришлари олиб борилмоқда. Фақат шу йил-нинг охиригача бу ерда 8,5 минг янги квартира фойдаланишга топ-ширилади. Бинолар қурилиши индустриал методлар билан олиб борилмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

МАКТАБДА МУЗЕЙ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-мактаб ўқувчилари бир қатор ажойиб ишларнинг ташаббускорларидилар. Чунончи, юқори снф ўқувчилари мактабда атоқди ҳинд ёзувини Ра-биндрнат Тагор музейини очнишга бош бўлидилар.

Музей ташкил этилишининг ўз тарихи бор. Нима бўлди, ўқувчилар Москвадаги мактаблардан бирда Р. Тагор музейи борлигидан хабар топдилар. Шунда юқори снф ўқувчилари ўртасида мактабда ҳам музей очни истаги пайдо бўлди. Мак-таб дирекцияси бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Ўқувчилар нодир экспонатлар тўплашга киришилдилар. Москвадаги мактабдан ҳинд ёзувчи ҳаётига доир материал-лар олинди. Ҳиндистондаги мактаблар билан алоқа боғланди. Ҳиндистонлик ўқувчилар ҳам сеvimли адиллари ҳақида кўп-ча на экспонатлар ҳада этдилар.

Шундай қилиб, мактаб музейи экспозицияси экспонатлар билан тўлдирилди. Ҳозир музейда бўлган киши Р. Тагорнинг ҳинд тилида босилиб чиққан айрим асарларини ҳам кўради.

ФОТОКОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Журналистлар Союзи ва «Ўзбекистон матбуоти» журналистларининг Улуғ Ок-тябрь социалистик революция-сининг шоили 50 йиллигиға ба-ғишлаб ўтказган республика фо-токонкурсига якун ясалди.

Юбилей фотоконкурсига 22 автор иштирок қилди. Улар юборган 65 фотосуратдан 16 та-си «Ўзбекистон матбуоти» жур-нали саҳифаларида эълон қи-лини.

Конкурс жюрииси жазкур фо-тосуратларини муҳокама қилиб кўйидаги ҳулосаға келди. Кон-курсга келган фотосуратлар-нинг ҳеч қайсииси биринчи, ик-кинчи мукофотини олишға сазо-вор бўлмади. Тўртта унчинчи мукофот эса (25 сумдан) Н. Ключевнинг «Жануб шамолни», В. Тантаевнинг «Она», А. Черг-ковнинг «Ешлик» фотосуратла-ри ва Г. Тихомоловнинг «Кун чиркиш» этиюдиға берилди.

Рағбатлантирувчи мукофот-лар — Ўзбекистон Журналист-лар Союзининг ёрлиқлари кон-курсга юборган ишлари анчаги-на дуруст баҳо олган фотоха-васкорлар — И. Эмиров, О. Цой, Р. Мамбетов, В. Толибов ва В. Москалюкка берилди.

Афсуски, бу юбилей фото-конкурсига Ўзбекистон теле-граф агентлиги, газета ва жур-налларнинг машҳур фотожурна-листлари неғадир қатнашмади-лар.



МЕТЕОР ЁМҒИРИ

Астрономлар 17 ноябрдан 18 нолбрга ўтар кечаси ўтган йили кузатилган «Леонида» йўлдини бўзиб юбормаса, иттифонимиз территориясининг катта қисми-даги, айниқса унинг шарқий ва шимолий областларидаги аҳоли ажойиб метеор ёмғирини томо-ша қилиши мумкин.

(ТАСС мухбири).

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

кўрсатмоқ учун фойдаланимда. Мао Цзэ-дуннинг «маданий ре-волюция» ва бошқа идеялари билан келишмасликдан иборат бўлган ҳар қандай ҳолини Пе-киндагилар «эгоизм» деб атай-диган бўлиб қолдишди. Мазкур кенгашда, темир йўл транспор-тида «аввало. Мао Цзэ-дун идеяларининг мутолқобуни барқарор қилиш кераклиги» утқириб ўтилди.

Пекиндаги ва вилоятлардаги газеталарнинг ёзишлариға қа-раганда, мамлакатнинг кўпгина районида оппозициячи эле-ментларға за группаларға на-рши «куч қўллавиб» курашши да-вом этмоқда. Масалан «Цзяси жинбао» газетаси Наньчан райо-нида шундай кураш бўлаётган-лигини эслашиб ўтди. Газета ку-ролли кўчлар ёрдамиға кўпроқ талиш керак, деб очидай-очинқ даъват қилмоқда, ўша га-зетанинг ўзида Наньчандаги

ёқилиги уюшувлари заводи цзао-фанларининг мактуоби босилиб чиқди. Шу мактубда улар ўз-ларига қаршилик кўрсатаётган кишиларнинг «катта қўлини-ли» маҳаллий ишчилардан ибор-ат, деб нолимокдалар. «Хубэй жинбао» деган яна бир газета ўзининг редакцион мақоласида маоиларни ўз саҳифаларида келишмовчиликларға чек қўйишға чакирмоқда.

Хуанда «егалейлар» руй «ўпорувчилик фаолияти» руй бераётганлиги тўғрисида 8 но-ябрда «Хуань жинбао» газета-сида хабарлар босилиб чиқди. Газета маоиларининг тарафдор-лари ва мухолифлари ўртаси-даги кучларнинг нисбатини оинқ кўрсатмаган бўлса ҳам, аммо «икки йўл тарафдорлари ўртасидаги кураш» кейинги вақтларда Чанша вилоятининг марназий шаҳрида ва бошқа жойларда давом этаётганлиги-ни эътироф қилмоқда. «Хуан жинбао» газетаси Лю Шао-Ци ва Тао Чжу тарафдорларининг «иридикорлари» ҳамда Пэн Дэ-Хуайнинг тарафдорлари ва Мао Цзэ-дунга қарши бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракати активлашганлиги сабабли вази-ят кескинлашиб кетди, деган фикрини айтмоқда.

Кўчаларға ёпиштириб қўйил-ган даъибаолар (деворий газе-талар) газеталарнинг шу мав-зудаги материалларига қўшим-ча маълумотлар бермоқда. Шу деворий газеталарда, масалан, Гуйчжоу вилоятининг «револю-циячи комитети» тарафдорлари билан «411» деган ташкилот аъзолари ўртасида Гўйянда қонли тўнашувлар бўлганлиги ҳикоя қилинмоқда. Даъибаода Сичуан вилояти Чунцинь шаҳри-да харбий қисмлар ўртасида ҳам тўнашувлар бўлганлиги айтилмоқда.

(ТАСС, 15 ноябрь).

ЯНГИ КОРХОНА

ОҲАНГАРОНДА яна иккита йирик корхонаға пойдевор қў-йилди.

Минерал-пахта буюмлари ишлаб чиқариладиган завод яқин келажак-да республикамизнинг энг йирик кор-хоналаридан бири бўлиб қолди. Тошкент ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлариға ҳар йили бир неча минг кубометрдан ортиқ материал-лар етказиб беради. Завод 1970 йили фойдаланишға топирилади.

Шуниингдек, яқинда босими ас-босмент трубаляри заводи қури-лишиға ҳам асос солинди. Бу кор-хона ҳар йили 960 километр тру-ба ишлаб чиқаради. Заводнинг би-ринчи навбати беш йиллик охири-да ишга тушади.

А. ПЕТРОВ.

СТАДИОН ИШГА ТУШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ асбоб-созлик заводи ёшлари жамо-атчилиги асосида стадион қуриб ол-дилар. Яқинда ана шу стадионнинг оялини маросими бўлди. «Меҳнат» кўнглили спорт жамаиати Марназий Советининг раиси Н. Бойқонов ва завод директори В. Бойқоновлар хаваскор спортчилари бу ажойиб ишлари билан табриклаб, уларға муваффақиятлар тилашди. Сўнгра спортчилар пароди бўлди. Кейин СССРнинг бир неча марта чемпи-онлари бўлган полловлар, Рифат Аблаев, Юрий Зеленин, Рустам Казакювлар кўрғазмали машқлар кўрсатилди.

Янги стадионда футбол, волей-бол, снгл атлетика, кураш, бас-кетбол, велоспорт ва бошқа спорт секциялари очилади.

А. АЗИМОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекиста-на, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосар-лари — 835885, 836232, Машур секретарь — 834808. Пропаганда, адабиет ва санъат бўлими — 831936. Санъат, транспорт ва нурилий бўлими — 833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Киш-лөө хўналиги, фан, мантаб ва олий ўқув юртилари бўлими — 839050, Совет нурилий, маиший хизмат ва шаҳар хўналиги бўлими — 838761, Халтар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марназий Комитети бирлашган нашриетининг босмаханаси, Тошкент шаҳри.

Р. 15044. Индекс—64697. А. 1790.

Бизнинг адрес:

Тошкент, «Правда Вос-тока» кўчаси, 26 йил